

8-1-2020

THE ROLE OF COMMERCIAL BANKS IN THE FORMATION OF FINANCIAL-INDUSTRIAL GROUPS AND THE THEORETICAL-METHODOLOGICAL ASPECTS OF THEIR ACTIVITIES

S. Abduvaliyev
Banking and Finance Academy

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

Recommended Citation

Abduvaliyev, S. (2020) "THE ROLE OF COMMERCIAL BANKS IN THE FORMATION OF FINANCIAL-INDUSTRIAL GROUPS AND THE THEORETICAL-METHODOLOGICAL ASPECTS OF THEIR ACTIVITIES," *International Finance and Accounting*: Vol. 2020 : Iss. 4 , Article 10.
Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2020/iss4/10>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

С.А.Абдувалиев
Банк-молия академияси

МОЛИЯ-САНОАТ ГУРУҲЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ РОЛИ ВА УЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ НАЗАРИЙ- УСЛУБИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Мақолада молия-саноат гуруҳларини шакллантиришда тижорат банкларининг роли, банк томонидан бажариладиган асосий вазифалар, шунингдек гуруҳ доирасида молиявий менежмент амалга оширишнинг муҳим жиҳатлари атрафлича кўриб чиқилган ҳамда мамлакатимизда тижорат банклари иштирокида молия-саноат гуруҳларини шакллантириш имкониятлари юзасидан тегишли таклиф ва тавсиялар берилган.

Таянч сўз ва иборалар: молия-саноат гуруҳи, интеграция, капитал, инвестиция, молиявий менежмент, корпоратив тузилма.

РОЛЬ КОММЕРЧЕСКИХ БАНКОВ В ФОРМИРОВАНИИ ФИНАНСОВО- ПРОМЫШЛЕННЫХ ГРУПП И ТЕОРЕТИКО-МЕТОДОЛОГИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ИХ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ

В статье рассмотрены роль коммерческих банков в формировании финансово-промышленных групп, основные задачи выполняемые банком, а также важные аспекты осуществления финансового менеджмента внутри группы и указаны соответствующие предложения и рекомендации по возможности формирования финансово-промышленных групп в нашей стране.

Ключевые слова: финансово-промышленная группа, интеграция, капитал, инвестиция, финансовый менеджмент, корпоративная структура.

THE ROLE OF COMMERCIAL BANKS IN THE FORMATION OF FINANCIAL-INDUSTRIAL GROUPS AND THE THEORETICAL- METHODOLOGICAL ASPECTS OF THEIR ACTIVITIES

The article discusses the role of commercial banks in the formation of financial-industrial groups, the main tasks performed by the bank, as well as important aspects of the implementation of financial management within the group and indicates the relevant proposals and recommendations for the possibility of forming financial-industrial groups in our country.

Keywords: financial-industrial group, integration, capital, investment, financial management, corporate structure.

Кириш

Жаҳон тажрибасидан маълумки, молия-саноат гуруҳлари миллий иқтисодиётда ишлаб чиқаришнинг барқарор ривожланишини таъминлаш ва самарадорлигини оширишга ижобий таъсир кўрсатувчи муҳим хўжалик юритувчи субъектлардан бири бўлиб ҳисобланади. Кўпгина хорижий

мамлакатлар тажрибаси иқтисодиётни ривожлантиришда ўзаро бирлашган лекин юридик жиҳатдан мустақил фаолият кўрсатувчи корхоналарни бирлаштирган йирик ишлаб чиқариш тузилмаларини ташкил этишнинг мақсадга мувофиқлигини тасдиқлайди. Бу каби ривожланишнинг муҳим йўналишларидан бири – янги иш ўринларини яратиш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, маҳсулот ва хизматларнинг рақобатбардошлик даражасини ошириш, инвестицион ёки бошқа лойиҳаларни амалга ошириш учун юридик жиҳатдан мустақил шахсларнинг интеграцияси шакли бўлган молия-саноат гуруҳларини шакллантириш билан боғлиқ.

Иқтисодиётни ривожлантиришнинг жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, бозор муносабатлари шароитида молия-саноат гуруҳларини муваффақиятли йирик бизнес юритишнинг асосий шаклларида бири бўлиб ҳисобланади. Турли хил мамлакатларда молия-саноат интеграциясига амалий ёндашувлар ўзининг тарихий, географик ва миллий хусусиятларига эгадир. Молия-саноат гуруҳларида банк ва саноат капиталини бирлаштириш дунёнинг кўпгина иқтисодий ривожланган мамлакатларида самарали иқтисодиётнинг технологик мажмуасининг қобиғини ташкил этган ҳолда ишлаб чиқариш тизимларини ташкил этишнинг асосий шакли сифатида намоён бўлади.

Мавзуга оид адабиётлар шарҳи

Молия-саноат гуруҳларини шакллантириш ва унда тижорат банклари фаолиятининг асосий хусусиятлари, молия-саноат гуруҳларида банклар иштирокини таъминлашнинг молиявий-иқтисодий шарт-шароитлари кўплаб иқтисодчи олимлар томонидан махсус илмий тадқиқот сифатида ўрганилган бўлиб мазкур тадқиқотлар муҳим илмий ёндошувларга эгадир. Жумладан, Wei Yaо жаҳонда молия-саноат гуруҳларини шакллантириш моделлари ва миллий иқтисодиётда молия-саноат гуруҳларини шакллантириш орқали юқори синергетик самарага эришиш борасида илмий тадқиқотлар олиб борган ҳолда молия-саноат гуруҳларида тижорат банклари фаолиятининг муҳим йўналишларини асослаб берган.[16]

Kevin Young молия ва саноат капитални интеграциясини таъминлаш орқали интеграциялашган корпоратив тузилмаларни шакллантириш, мазкур тузилмаларда иштирокчилар, жумладан тижорат банклари фаолиятини мувофиқлаштириш, улар фаолиятини ўзгарувчан иқтисодий шароитларга мослаштириш борасида тадқиқотлар олиб борган.[12]

Zhao Xumei ва Xia Zhanyoулар молия-саноат гуруҳларини шакллантириш орқали тижорат банкларининг инвестицион фаоллигини ошириш, молия-саноат гуруҳларида акциядорлик муносабатларини самарали ташкил этиш бўйича тадқиқотлар олиб боришган.[15]

Jerzy Grabowiecki молия-саноат гуруҳларида капитал ва бизнеснинг кучли интеграциясини таъминлаш орқали юқори диверсификациялашган фаолиятни ташкил этиш, гуруҳ иштирокчилари ўртасида молиявий ресурслардан фойдаланиш ва мониторингини амалга ошириш, мазкур жараёнда тижорат банклари иштирокини фаоллаштириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиққан.[13]

Т.И.Минина ва А.С.Кудаковлар молия-саноат гуруҳларини шакллантириш ва ривожлантиришда банкларнинг роли, гуруҳ доирасида банкларнинг асосий вазифа ва функциялари, молия-саноат гуруҳларида банклар ва саноат корхоналари фаолиятини самарали ташкил этиш масалаларини тадқиқ этишган. [4;5]

И.А.Зариповнинг тадқиқотлари молия-саноат гуруҳлари фаолиятида инвестицион механизмни ташкил этиш, гуруҳ доирасида истиқболли лойиҳаларни амалга оширишда тижорат банкларининг роли оширишга бағишланган. [3]

В.А.Цветков, И.Ю.Беляева ва В.В.Яронтовскийлар молия-саноат гуруҳларини шакллантиришнинг иқтисодиёт учун афзалликлари, молия-саноат гуруҳлари фаолияти самарадорлиги ва барқарорлигини оширишда банклар фаоллигини таъминлаш, банклар томонидан интеграциялашган тузилмага кирувчи корхоналар молиявий менежментини самарали ташкил этиш йўлларини тадқиқ қилишган. [2;8;9]

Мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан Ф.Мирзаев томонидан молия-саноат гуруҳларининг банк хизматлари бозоридаги рақобатни шакллантиришдаги ўрни ва таъсирини кучайтириш масалалари тадқиқ этилган. [6]

Ж.Х.Атаниязов эса, жаҳонда молия-саноат гуруҳларини шакллантириш моделлари ва улардан миллий иқтисодиётда фойдаланиш имкониятлари, молия-саноат гуруҳларини шакллантиришнинг банклар инвестицион фаоллигини оширишдаги ўрни ҳамда молия-саноат гуруҳларини ташкил этишнинг зарурий молиявий-иқтисодий шарт-шароитлари борасида тадқиқотлар олиб борган. [1]

Молия-саноат гуруҳлари хўжалик юритишнинг замонавий тузилмаси бўлиб, унинг ижобий жиҳати сифатида молиявий маблағларнинг самарали ҳолда бошқарилиши, рақобатбардошликнинг оширилиши ҳамда бошқарувнинг оқилона йўлга қўйилишини кўриш мумкин. Молия-саноат гуруҳларини шакллантириш жараёни саноатни тараққий эттиришга ҳамда жаҳон хўжалигига интеграциялашув жараёнининг кучайишига ёрдам беради. Ҳозирги глобаллашув шароитида жаҳон иқтисодиётидаги ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлашга ижобий таъсир кўрсатиш салоҳиятига эга бўлган корпоратив тузилмаларни шакллантириш ва мазкур жараёнда тижорат банклари фаоллигини ошириш йўналишларини аниқлаш долзарб ҳисобланади.

Таҳлил ва натижалар

Жаҳон иқтисодиётида тижорат банклари ва саноат корхоналари интеграцияси асосида йирик корпоратив тузилмаларни шакллантириш ва ривожлантириш иқтисодиётни барқарорлаштиришнинг асосий тенденцияларидан бири сифатида намоён бўлмоқда. Банкларнинг холдинглар, концернлар, молия-саноат гуруҳлари таркибига кириши иқтисодиётда самарали молиявий инфратузилмани шакллантиришнинг оқилона йўлларида биридир.

Замонавий молия-саноат гуруҳлари ўзида, молия-кредит ташкилотлари билан савдо ва моддий ишлаб чиқариш соҳасидаги йирик корхоналар интеграцияси натижасида вужудга келган кўп тармоқли банк-саноат-савдо мажмуаларини ифодалайди. Халқаро амалиётда бир қатор мамлакатларда тижорат банклари иштирокидаги молия-саноат гуруҳларини ташкил этиш амалиёти кенг тарқалган бўлиб, улар самарали фаолият кўрсатмоқда. Одатда, тижорат банклари иштирокидаги молия-саноат гуруҳлари аъзолари ўртасида молиявий ресурсларнинг самарали қайта тақсимланиши ва фаолият юритиш механизми қулайлиги туфайли кенг тарқалгандир. Бунга мисол сифатида, молия-саноат гуруҳларини ташкил этишнинг Германия ва Япония мамлакатлари тажрибаларини келтириб ўтиш мумкин. Хусусан, Германияда молия-саноат гуруҳларини шакллантиришнинг муҳим хусусияти банк билан саноатнинг ўзаро узвий алоқалари билан белгиланади. Молиявий, акциядорлик, шунингдек, иш алоқалари асосида молия институтлари билан саноат корхоналарининг тармоқларларо интеграциясида барқарор горизонтал молия-саноат бирлашмалари содир бўлади. Банklar нафақат инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда, балки корхоналарни бошқаришда ҳам иштирок этишни қабул этишади. Худди шунинг учун ҳам Германияда молия-саноат гуруҳларини ташкил этишнинг маркази бўлиб, одатда йирик банklar ҳисобланади. [11]

Япон модели саноатга узоқ муддатли инвестицияларни киритиш ва саноат ва молия секторлари ўртасидаги яқин алоқалар билан тавсифланади. Хўжалик бирлашмалари акцияларга қарама-қарши эгалик қилиш ёрдамида корпоратив гуруҳларни ташкил қилиш механизми орқали бир-бири билан узвий боғланган. Капитални сафарбар қилиш механизми гуруҳ банки ёрдамида жамоа асосида содир этилади. [16]

Япония банклари фақатгина кредит бериш билан чекланиб қолмасдан молия-саноат гуруҳларининг молиялаштириш ва ўзаро ҳамкорлик учрашувларини ташкил этади. Шунингдек, банк ўз мижозларига ўзаро ҳамкорлик қилиши учун шериклар топишда ҳамда бизнес хизматлар кўрсатишда ёрдамлашади. Гуруҳга кирувчи компаниялар фаолияти барқарор бўлган шароитда бош банк унинг фаолиятига аралашмайди. Мабодо компаниянинг молиявий ҳолати ёмонлашса, бош банк рискли операцияларни камайтиради ҳамда бу ҳолатни бошқаришга ёрдам беради. [15]

М.Аоки тадқиқотларига мувофиқ, асосий банк томонидан корхоналар фаолиятини мониторинг қилиш жараёни уч босқичда амалга оширилади: буларга дастлабки (ex ante), оралик (interim) ва якуний (ex post) киради [10]. Дастлабки мониторинг корxonанинг кредитга лаёқатлилигини ва режалаштирилган инвестицион лойиҳаларнинг самарадорлигини баҳолашни ўз ичига олади. Мониторингнинг ушбу босқичи амалга оширилаётган инвестицион лойиҳаларнинг истиқболини белгилашда муҳим ўрин тутаяди.

Мониторингнинг иккинчи босқичида инвесторлар йўналтирилган молиявий маблағлардан мақсадли фойдаланиш ҳолатини, шунингдек корхона менежерлари томонидан қабул қилинган қарорлар ва инвестор манфаатлари ўртасидаги мувофиқлик даражасини ўрганади.

Мониторингинг учинчи босқичида инвесторларнинг истиқболдаги узок муддатли фаолият йўналишларига асосланган ҳолда инвестиция мақсадлари корхона молиявий ҳолати нуқтаи назаридан баҳоланади.

Япония молия-саноат гуруҳларида банк ва саноат корхоналари ўртасида барқарор алоқаларнинг йўлга қўйилганлиги корпоратив тузилма фаолиятини доимий ривожланишида ва истиқболли лойиҳаларни амалга оширишда муҳим ўрин тутди.

Юқорида кўриб ўтганимиздек, ривожланган мамлакатларда банклар молия-саноат гуруҳларининг марказий органи ҳисобланади. Банк маълум корхоналар доирасида фаолият юритиши билан биргаликда уларнинг молиявий ҳолатини доимо назорат қилиб боради. Бирор муаммо юзага келадиган бўлса, у зарур бўлган чораларни қабул қилади. Чунки, ишлаб чиқариш жараёнининг пировард натижаси унинг шахсий молиявий манфаатларига бевосита таъсир кўрсатади. Молия-саноат гуруҳи иштирокчиси бўлган корхонанинг молиявий ҳолати ёмонлашганда банк молиявий соғломлаштиришда фаол қатнашади, маълум бир пул оқимларини ва тузилмавий ўзгартиришларни ўтказишда банкдан барқарор молиявий ҳолат талаб этилади. Банкнинг молиявий барқарорлик даражаси унинг молия-саноат гуруҳи иштирокчиси сифатидаги ваколатлари савиясини белгилаб беради.

Молия-саноат гуруҳига хизмат кўрсатувчи банкнинг вазифалари қуйидагилардан иборат бўлади:

- молия-саноат гуруҳига аъзо корхоналар эҳтиёжини максимал қондирувчи молиявий инструментларни доимий излаш ва саралаш;
- траст операцияларини юритиш;
- молия-саноат гуруҳи қимматли қоғозларини акцептлаш, тайёрлаш ва эмиссияни ўтказишга ёрдамлашиш;
- кафолатлар бериш (жумладан, хорижий шерикларга ҳам).

Банкнинг молия-саноат гуруҳидаги роли уни гуруҳнинг молиявий маркази ёки хизмат кўрсатувчи банк функциясини бажаришини ўз ичига олади.

Фикримизча, молия-саноатлари таркибида фаолият юритиш тижорат банкларига қатор қулайликларни яратади. Жумладан:

1. Тижорат банкларининг молия-саноат гуруҳи таркибида иштирок этиши натижасида инвестицион фаолликнинг ошиши, фаолият кўламини диверсификациялаш, молиявий рискларни самарали бошқариш, фойдалилик даражаси юқори бўлган лойиҳаларни амалга ошириш каби қулай имкониятлар яратилади.

2. Йирик молиявий айланма билан гуруҳ иштирокчиларини мижозлар сифатида жалб қилиш имконияти банклар учун, шубҳасиз, жозибали ҳисобланади. Бундан ташқари, келажакдаги банклар бозоридаги жиддий бўлинишлар шароитида йирик мижозлар билан муносабатларни мустаҳкамлаш имконияти банклар учун муҳим аҳамият касб этади.

3. Саноат, савдо ва суғурта тузилмалари билан биргаликдаги фаолият ўзаро фойдали натижага эришишга мўлжалланган. Булар жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин: иқтисодий вазиятларни прогнозлашни

яхшилаш ҳисобига банк рақобатбардошлигини ошириш; мижозларнинг илмий ва ишлаб чиқариш фаолиятининг истиқболли йўналишларини ҳисобга олган ҳолда ихтисослаштиришни чуқурлаштириш; инвестицион лойиҳалар ишлаб чиқиш даражасини ошириш ва бошқалар.

Молия-саноат гуруҳларида фаолиятнинг асосий йўналиши сифатида молиявий ва инвестицион фаолият намоён бўлган ҳолда корхоналар фаолиятида банкларнинг ролини алоҳида белгилаб беради. Молия-саноат гуруҳида банк фаолиятининг аниқ йўналишлари муайян иқтисодий шарт-шароитлар, гуруҳга кирувчи корхоналар миқдори ва уларнинг ихтисослашуви, асосий пул оқимларини жамлаш бўйича зарурий ишларнинг кўлами, уларни мувофиқлаштириш, инвестицияларни амалга оширишнинг устувор йўналишлари орқали белгиланади.

Молия-саноат гуруҳи доирасида замонавий банк технологияларини қўллаш, турли хилдаги банк операцияларидан ва молиявий инструментлардан фойдаланиш механизмларини жорий этиш имконияти юзага келади. Амалиётда банкнинг ички молиявий институт сифатидаги ролини қуйидагича ифодалаш мумкин [7]:

1. Биринчи ҳолат, банк томонидан ички молиявий операцияларни бажарилиши билан хусусиятланади. Банкнинг роли алоҳида гуруҳга хизмат кўрсатадиган, унга бўйсунган ҳолатда бўлади. Бунда банк фақат молия-саноат гуруҳига аъзо корхоналар ликвидлигини ва пул оқимларини бошқаришда муҳим фаолият кўрсатади. Шунингдек, инвестицияларни жалб этиш ва бошқаришда ҳам сезиларли даражада рол ўйнайди.

2. Иккинчи ҳолат банклар томонидан гуруҳлар молиявий маркази ролини бажариши билан ифодаланади, шунингдек, банк молия-саноат гуруҳининг барча молиявий оқимлари марказида туради ва уларни бошқариб боради. Банк молия-саноат гуруҳининг молиявий менежментини амалга оширади ҳамда гуруҳда бошқа молиявий институтлар мавжуд бўлса уларнинг фаолиятини бошқаради. Банк гуруҳда ваколатли маслаҳатчи ва ҳамкор сифатида фаолият юритади. Энг муҳими, айнан банк молия-саноат гуруҳини шакллантиришнинг ташаббускори бўлиб ҳисобланади ва ташкил этиш жараёнининг марказида туради.

Молия-саноат гуруҳининг барқарор фаолият кўрсатиши ва ривожланиш сифатини белгиловчи асосий омиллардан бири банк томонидан амалга оширилиши лозим бўлган молиявий менежментнинг сифати бўлиб ҳисобланади. Молия-саноат гуруҳларида менежмент тизимининг самарали тарзда йўлга қўйилиши инвесторлар учун жозибадорликни ошишига ва истиқболда тузилманинг барқарор ривожланишига хизмат қилади. Молиявий менежментнинг асосий вазифаси молия-саноат гуруҳининг молиявий сиёсати ва стратегиясини амалга оширишдан иборат бўлади [3]. Молия-саноат гуруҳи доирасида молиявий менежментни амалга ошириш бўйича иккита ёндашув мавжуд:

– молиявий менежмент гуруҳ тузилмасига кирувчи банк томонидан ёки тузилмавий жиҳатдан банкка бўйсунувчи унинг шубҳа корхонаси томонидан амалга оширилади;

– молиявий менежмент молия-саноат гуруҳи марказий компанияси томонидан ёки атрофида гуруҳ ташкил этилган марказий корхона томонидан амалга оширилади.

Молиявий менежментни банк томонидан амалга оширишга қаратилган ёндашув бирмунча афзал бўлиб ҳисобланади. Молия-саноат гуруҳларида банк молиявий менежментнинг юқори даражасини таъминлаши керак. Бу иккита асосий сабабни юзага келтиради. Биринчиси, молиявий институт сифатида банкнинг барқарор фаолият кўрсатишини таъминлаш учун молиявий ресурсларини оқилона бошқариш жараёни банкда ҳар доим содир бўлади, шунинг учун банк бошқа ташкилотларга қараганда молиявий менежмент соҳасида юқори тажрибага эгадир.

Иккинчиси ҳам биринчи сабабдан келиб чиқади, бунга кўра юқори сифатли молиявий менежментни амалга ошириш учун банк малакали мутахассисларга эга бўлиб, улар томонидан молиявий менежмент сифатини оширишга қаратилган чора-тадбирлар доимий равишда изчиллик билан амалиётга жорий этиб борилади.

Молия-саноат гуруҳларига банкдан ташқари бошқа молиявий институтлар ҳам кириши мумкин. Буларга суғурта ва инвестиция компаниялари, пенсия фондлари, кредит уюшмалари, факторинг ва лизинг ташкилотлари ҳамда бошқаларни киритиш мумкин. Ушбу ташкилотлар йирик ҳажмдаги молиявий ресурсларга эгалик қилган ҳолда гуруҳ ичида иштирокчиларнинг самарали фаолият кўрсатишига ижобий таъсир кўрсатишади.


Жаҳон тажрибасининг кўрсатишича, молия-кредит институтлари бирлашмаларнинг энг фаол иштирокчилари таркибига киради. Бунга айнан ушбу тузилмаларда шакллантирилган ресурслар истиқболда инвестицион эҳтиёжларни қондиришга йўналтирилиши мумкин. Бундан келиб чиққан ҳолда, молия-кредит институтлари иштирокида шакллантириладиган молия-саноат гуруҳларининг асосий афзаллиги биринчи навбатда, инвестициялар соҳасига пул маблағларини йўналтиришнинг самарали механизмларидан фойдаланиш имкониятидан иборат бўлади [12]. Шундай қилиб, молия-саноат гуруҳларининг асосий хусусияти бўлиб унда банк капитали мавжуд бўлишининг мажбурийлиги ҳисобланади. Молия-саноат гуруҳларида айнан банкнинг иштироки бошқа исталган йирик ташкилий тузилмалардан молия-саноат гуруҳларини фарқлантирувчи жиҳати бўлиб ҳисобланади.

Банк томонидан амалга ошириладиган молиявий менежмент жараёнида интеграциянинг ижобий натижаси юзага келади, бир томондан молия-саноат гуруҳи корхоналари узлуксиз фаолият юритиши учун зарур айланма маблағларга бўлган эҳтиёжни пасайтиришга, бошқа томондан эса иқтисодиётнинг реал секторига йўналтириладиган маблағларни ошишига олиб келади. Молия-саноат гуруҳи доирасида банк молиявий менежментни амалга оширган ҳолда рискларни бошқариш амалиётини ҳам назорат қилиши лозим.

Тижорат банклари ва саноат корхоналари интеграциясини кучайтириш молия тизими ривожланишининг барқарор ҳолати учун йўқотишларсиз кредит ва инвестицион рискларни пасайтиришнинг ягона самарали йўли сифатида

намоён бўлади. Шунингдек, иқтисодиёт реал секторининг молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжининг юқори эканлиги тижорат банклари кредит қўйилмалари ҳажмининг ҳамда кредит портфелида узоқ муддатли кредитлар салмоғининг ошиб бориши орқали намоён бўлмоқда. Мазкур жараёнда тижорат банкларининг фаол иштироқи орқали молия-саноат гуруҳларини шакллантириш муҳим аҳамият касб этади [1].

Тижорат банклари кредит қўйилмаларининг иқтисодиёт тармоқлари бўйича таркибида юқори улушни айнан саноат тармоқлари эгаллаган ҳолда саноатга ажратилган кредитлар салмоғи йиллар мобайнида бошқа тармоқларга нисбатан юқори улушни ташкил этиб келмоқда. Мазкур ҳолат иқтисодиётнинг саноат тармоғида фаолият юритаётган корхоналарда истиқболли лойиҳаларни амалга оширишда молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжнинг юқорилигидан ва бу жараёнда тижорат банклари томонидан ажратилган кредитларнинг муҳим ўрин эгаллашидан далолат бермоқда.



1-расм. Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари кредит қўйилмаларининг иқтисодиёт тармоқлари бўйича таркиби (фоиз ҳисобида)[18]

Молия-саноат гуруҳлари таркибига кирувчи корхоналарнинг молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжларини қондириш, истиқболли инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун гуруҳга молиявий жиҳатдан барқарор бўлган тижорат банкни жалб этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

2-жадвал

Ўзбекистон Республикаси банкларининг жами капитали ҳажмида айрим тижорат банкларининг улуши[18]

Кўрсаткичлар	2017 й.	2018 й.	2019 й.
«Ўзсаноатқурилишбанк»	10,8	10,7	12,0
«Ўзмиллийбанк»	23,2	21,4	25,7
«Асака» банк	14,9	11,9	12,2
«Агробанк»	6,6	8,3	9,1
«Қишлоқ қурилиш банк»	5,7	4,6	2,8
Бошқа тижорат банклари	38,8	43,1	38,2
Жами	100,0	100,0	100,0

Мамлакатимиз тижорат банклари жами капитали ҳажмида «Ўзмиллийбанк», «Ўзсаноатқурилишбанк», «Асака» банк, «Агробанк», «Қишлоқ қурилиш банк» каби тижорат банклари юқори улушни эгаллаган бўлиб, мазкур бешта банкнинг банклар жами капиталидаги улуши 2019 йилда 61,8 фоизни ташкил этган. Фикримизча, юқоридаги маълумотларга асосланган ҳолда, «Асака» банк, «Ўзсаноатқурилишбанк», «Ўзмиллийбанк» ва «Агробанк» АТБлари иштирокида саноат корхоналари билан биргаликда молия-саноат гуруҳлари ташкил этиш имкониятларини юқори деб ҳисоблаш мумкин. Шунингдек, ушбу тижорат банклари маълум бир соҳадаги саноат корхоналарига молиявий хизматлар кўрсатиб, уларга йирик ҳажмдаги инвестицияларни жалб этмоқда. Мазкур саноат корхоналари, ўз навбатида, банкларнинг акцияларини сотиб олиб, уларнинг корпоратив бошқарувида иштирок этмоқда.

Таъкидлаш жоизки, молия-саноат гуруҳлари банк ва саноат капитали интеграциясини кучайтиради ва натижада инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш имконияти ортади. Молия-кредит ташкилотлари ва саноат корхоналари ўртасидаги муносабатларнинг мустаҳкамланиши иқтисодий инвестицион ресурсларга бўлган эҳтиёжни қоплашга қулай шароит яратади. [1] Молия-саноат гуруҳлари мамлакатдаги ва хорижий инвесторлар учун бирмунча ишончли шерик бўлиб ҳисобланади, бу, ўз навбатида, иқтисодийга хорижий инвестициялар оқимини қўллаб-қувватлайди.

Хулоса

Замонавий бозор муносабатлари шароитида банклар молия-саноат гуруҳларининг муҳим элементи бўлиб ҳисобланиб зарурий иқтисодий шароитларга эга бўлган ҳолда уларни ташкил этиш ва ривожлантиришда фаол иштирок этишлари лозим. Молия-саноат гуруҳларини шакллантириш жараёнида хорижий тажрибалардан кенг фойдаланиш, шунингдек мазкур жараёнга кичик бизнес субъектларини ҳам жалб этиш лозим.

Молия-саноат гуруҳларини шакллантириш жараёнида гуруҳ иштирокчиларидан ҳар бирининг юридик мустақиллиги сақланган ҳолда ишлаб чиқариш, тижорат ва молиявий тузилмалар салоҳиятини бирлаштириш учун қулай имкониятлар очилади. Уларнинг ўзига хос хусусияти бўлиб ресурсларнинг барча турларидан самарали фойдаланишдан олинган интеграция натижаси, шунингдек ишлаб чиқаришни экспортга йўналтиришнинг устувор вазифаларини ривожлантиришга қаратилган самарали ва мустаҳкам кооперацияни ҳосил қилиши ҳамда бозор шароитларида барқарор ривожланишга қобилияти юзага чиқади. Тижорат банкларининг молия-саноат гуруҳи таркибида иштирок этиши натижасида фаолият кўламини кенгайтириш, саноат билан мустаҳкам муносабатларни ўрнатиш ҳамда инвестицион фаолият юритишининг янада яхшиланишига қулай имкониятлар яратилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Атаниязов Ж.Х. Молия-саноат гуруҳларини шакллантириш: назарий, услубий ва амалий жиҳатлар. Монография. – Т.: Tafakkur qanoti. 2017. - 144 б.

2. Беляева И.Ю., Эскиндаров М.А. Финансово-промышленные группы в современной экономике. - М., 2004. – 216 с.
3. Зарипов И.А. Инвестиционный механизм финансово-промышленных групп России. Автореферат дисс. на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Москва. - 2004. – С. 23.
4. Кудаков А.С. Особенности формирования финансово-промышленных корпоративных структур и их влияние на экономику страны // Проблемы современной экономики. – Москва, 2007. -№3 (23). – С. 39.;
5. Минина Т.И. Роль банков в формировании и развитии ФПГ России: автореф. дис...канд. эконом. наук. – Москва, 2001. – 21 с.;
6. Мирзаев Ф.И. Банклараро рақобат: моҳияти, шаклланиши ва ривожланиш босқичлари. – Т.: «Молия», 2008. –б. 193-205.
7. Рязанова О.Е. Концептуальные ориентиры и тенденции развития банковских финансово-промышленных групп // Экономические науки. - 2005. - №10. – С. 50.
8. Яронтовский В.В. Банки в интегрированных холдинговых структурах: автореф. дис...канд. эконом. наук. – Санкт-Петербург, 2009. – 24 с.
9. Цветков В.А. Основные направления повышения устойчивости и эффективности деятельности финансово-промышленных групп // Промышленная политика в Российской Федерации, №7, 2002.
10. Aoki M. Information, Corporate Governance, and Institutional Diversity: Competitiveness in Japan, the USA, and Transitional Economies, Oxford: Oxford University Press. 2000. p.76-79.
11. Caroline Fohlin. The History of Corporate Ownership and Control in Germany. A History of Corporate Governance around the World: Family Business Groups to Professional Managers. University of Chicago Press. 2005. p. 236.
12. Danes Brzica. Typology and Dynamics of Financial-Industrial Groups. Chinese Business Review, January 2013, Vol. 12, No.1, pp. 1-13.
13. Kevin Young. Financial industry groups' adaptation to the post-crisis regulatory environment: Changing approaches to the policy cycle // Regulation & Governance. 2013, Vol. 7 Issue 4, p. 460–480.
14. Jerzy Grabowiecki. Keiretsu groups: Their role in the Japanese Economy and a Reference Point for other countries. Institute of developing economies, Japan external trade organization. V.R.F. series. №413. 2006. p.25.
15. Patrick Heenan. The Japan Handbook. Fitzroy Dearborn Publishers. Chicago USA. 1998. p. 130-131.
16. Zhao Xumei, Xia Zhanyou. The Financial System of Japanese Enterprise Group. Beijing: University of International Business and Economics Press, 2006, vol. 37, No. 4, pp. 557-580.
17. Wei Yao. Evolution Mechanism of Synergy in Industrial-Financial Groups. International Journal of Simulation. Systems, Science & Technology. 2016, Vol. 17 Issue 16, p. 9.1-9.7.
18. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.